


Мавзу. Касбий (профессионал) этика

Режа:

- 1) Ахлоқшунослик мезоний тушунчалари ибтидосининг ҳиссиётга бориб тақалиши.
- 2) Ахлоқшунослик асосий мезоний тушунчаларининг моҳияти.
- 3) Ахлоқий тамойиллар, меъёрлар ҳамда уларнинг инсон ва инсоният таррақиётидаги аҳамияти.

АХЛОҚШУНОСЛИКНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ



Яхшилик ва ёмонлик категорияси ахлоқий онгнинг энг умумий тушунчалари системасига киради. Яхшилик инсоният бахт- саодати эзгу ниятларининг ахлоқий томонини ифода этади. Яхшилик ижтимоий ходисаларни, шунингдек ахлоқий хатти- харакат, хулқ- атвор, принцип ва қоидаларни муайян синф, жамоатчилик ёки айрим кишилар нуқтаи назаридан ижобий бахолари мажмуини англатади.

Ёмонлик тушунчасида кишиларнинг мақсадига улар эъзозлайдиган нарсаларга зид келадиган, бахтга эришишга, одамлар орасидаги муносабатларда ижобий ўзгаришларнинг қарор топишига ҳамда инсоннинг камол топишига тўсқинлик қиладиган ҳамма нарсалар ҳақидаги тасаввурлар ифодаланади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, яхшилик ва ёмонлик тушунчаси жамиятдан ташқари ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавҳум бўлиши мумкин эмас. Бу категорияга ижтимоий- тарихий нуқтаий назардан ёндошмоқ яъни давр ўтиши билан унинг мазмуни ҳам ўзгариши, бойиб бориши тарзида талқин қилмоқ керак. Бироқ шуни назарда тутиш керакки, яхшилик билан ёмонлик ўртасида ҳар доим зиддият мавжуддир.

Яхшиликнинг объективлиги кишиларнинг жамиятга фойда келтириш учун интилиши ва бу фойда жамият ривожланишининг объектив манфаатларига мувофиқ келишидан иборатдир.

**Ахлоқшунослик инсондаги икки хусусиятни
ўрганади**

**Ахлоқий
фазилатлар**

Эзгулик
Яхшилик
Мухаббат

иллатлар

Ўвузлик
Ўмонлик
нафрат

ИНСОНПАРВАРЛИК

ЭРКПАРВАРЛИК

ЗИЁЛИЛИК

МЕҲНАТСЕВАРЛИК

МЕҲМОНДУЎСТЛИК

БАЙНАЛМИНАЛЛИК

МИЛЛАТПАРВАРЛИК

**АХЛОҚШУНОСЛИКНИНГ
ТАМОЙИЛЛАРИ**

Инсон ахлоқий қимматларини тушунишга ўз субъектив фикрини ҳам қўшади, лекин яхшилик ва ёмонлик ҳақида, буни у хоҳлайдими-йўқми, у муайян шароитда мавжуд бўлган ахлоқига мувофиқ ҳукм чиқаради. Яхшилик ва ёмонликнинг субъектив томони айрим шахсларнинг ўз хатти- ҳаракатлари ва бошқаларнинг хулқи ҳақидаги фикирларидан иборатдир.

Яхшилик ва ёмонлик тушунчаларни эзгулик ва ёвузлик тушунчаларидан фарқ қилиши лозим. Эзгулик ва унинг зидди ёвузлик одатий, кундалик ҳаёт мезонлари билан ўлчанмайди, улар қамровли ва ижтимоийлик хусусиятига эга. Эзгуликнинг ахлоқий идеал билан боғлиқлиги ҳам шундан. Яхшилик эса шахснинг одобига, хулқига боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса. Зеро унда мардлик; очиқкўнгиллик, ҳалоллик сингари ахлоқий меъёрлар тажассум топади. Бироқ у қахрамонлик, жасорат, ватанпарварлик каби тамойиллар даражасига кўтарила олмайди.

Яхшиликнинг йирик ижтимоий ҳодиса- эзгулик билан айнанлаштириш тўғри эмас.

Шундай қилиб, яхшилик ёмонликка қарши кураш орқали ўзини намоён қилади. Ёмонлик ҳамиша ҳам очиқча кўринавермайди, баъзан ҳатто яхшилик ниқоби остида рўй беради. Буни англаб етиш кишидан хушёрликни, зийракликни, лоқайд бўлмасликни талаб этади. Умуман олганда, яхшилик ва ёмонлик ижтимоий ва шахсий хулқ- атворни, хатти- ҳаракатни баҳолаш мезонидир.

**Ахлоқшуносликнинг асосий
меъёрлари**

ШИРИНСУХАНЛИК

ОЛИЙЖАНОБЛИК

КАМТАРИНЛИК

ХУШМУОМАЛАЛИК

Арасту Искандарга
қилган насиҳати

: “Билгилки, адолат буюк
қудратли худонинг ер юзидаги
ўлчовидир, унинг ёрдамида
заиф бўлган ҳақ, одам кучли
бўлган ноҳақдан ўз ҳақини
олади”,

А. Блок:

“Инсон ҳаётининг маъноси
тиниб-тинчимаслик ва
доимий ташвишдан
иборатлигини тушунган
одам калта фаҳмлиқдан
қутулган бўлади”,

венгер математиги
Больяй Яноши.

Ер юзида лоақал биргина
бўлса ҳам бахтсиз
яшаётганини кўриб
туриб, хотиржам яшаш ва
бахтли бўлиш мумкин
эмас”, — деган эди

АХЛОҚИЙ

МАДАНИЯТ

КАСБИЙ ОДОБ

МУОМАЛА ОДОБИ

ЭТИКЕТ

Дарҳақиқат Абулқосим Фирдавсий таъкидлаганидек:

**Яхши бўлсанг агар, қолади номинг
Қўлга кирар бахту, истагу қоминг
Ёмонлик ўрасан, эксанг ёмонлик
Бирор кун кўрмайсан шодлик, ёмонлик.**

Адолат.

Адолат ахлоқнинг норматив тушунчаси бўлиб, у тенгликнинг, тақдирлашнинг ҳақиқий, зарурий ўлчовидир. Бу тушунчалар омманинг ижтимоий- сиёсий онгида муҳим аҳамиятга эга. Адолат шахс ва ижтимоий бирликнинг реал иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий ҳолатини ифодалайди. Шунинг учун Сократ адолатни “қонунга мувофиқ хулқ” деб баҳоланган эди. Адолат ижтимоий муносабатларнинг ҳамма томонларига алоқадор бўлгани учун кишининг қадр- қиммати билан унинг тақдирланиши ўртасидаги, ҳуқуқ билан мажбурият ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўз ичига олади. Бу муносабатларнинг бузилиши адолатсизлик деб баҳоланади. Демак адолатлик ва адолатсизлик тушунчаларининг мазмуни тарихий характерга эгадир.

Адолат билан ҳуқуқ тушунчаларининг аралаштириб юбормаслик керак. Адолат тушунчаси ҳуқуқ вужудга келишидан анча олдин шаклланган бўлса, ҳуқуқ синсфлар, давлатнинг келиб чиқиши билан вужудга келган.

Адолат кўпроқ “одиллик” тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, моҳиятдан ижтимоий ҳаёт қонунларини тўғри баҳолаш, уларга холис ёндашишни англатади. Ҳақиқат эса, ана шу асосда ҳукм ва ҳулоса чиқариш, ҳаёт ҳодисалари, кишиларнинг хатти-ҳаракати ва фаолиятига нисбатан юксак маънавий мезонлар нуқтаи назаридан қарашни ўзида ифодалайди. Одамлар асрлар мобайнида одил жамиятни орзу қилиб, ҳақиқат тантанаси учун курашиб келган. Адолат жамиятининг муайян шахсга муносабатида яққол намоён бўлади. Инсон жамиятдаги ўрни қадр-қиммати адолат мезони ҳисобланади. Ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларида содир бўладиган барча воқеа ва ҳодисалар бу жараёнга бевосита ёки билвосита таъсир қилади. Бу таъсир инсон эрки ва иродасини белгилайди, алоҳида шахс учун маънавий мезон вазифасини бажаради. Ана шу сабабдан ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда демократик жамият қуришга киришилди. Бу борада умуминсоний тамойилларининг устуворлиги, жаҳон андозалари ва миллий қадриятларининг уйғунлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Президент Ислам Каримов таъкидланганидек, биз адолатпарвар демократик давлат қуришга интилаяпмиз. Адолатга интилиш халқимиз руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусиятдир. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар сингиб кетиши лозим. Ана шу ғоя кучли давлатдан кучли жамият сари боришининг маънавий омилидир. У бугунги Ўзбекистон жамияти таррақиётининг барча соҳаларида ўз аксини топмоқда.

Бурч.

Инсон хатти- ҳаракатида бурч ички маънавий зарурат, яъни ~~ахлоқнинг муайян принциплари, нормаларига мувофиқ равишда~~ шахснинг жамиятга, коллективга, кишиларга ва ўзига бўлган ахлоқий мажбуриятини англатади. Бурч категорияси ахлоқнинг жамият ҳар бир аъзосига маълум талаблар қўйишини ифодаловчи императив (қатъий талаб, буйруқ, амр) характерда, яъни ҳаракатга ундовчи, кишилараро муносабатни тартибга солиб туришда хатти- ҳаракатни танлаш мотивидир. Ахлоқий онгнинг бу элементларининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда ижтимоий мажбурият ихтиёрий мажбуриятга, маънавий ва ахлоқий заруриятга айланишдир.

Бурч ахлоқий онг ҳодиса сифатида шахс эркинлиги билан ахлоқий эркинлигининг кенгайтириб бориш ва шахс ахлоқий маъсулиятининг ўсиши билан шаклланиб боради. Бурчни англаш ва хис этиш инсонга табиат томонидан берилган ҳислатдир дейишга бизда ҳеч қандай асос йўқ. Бурч ижтимоий ҳаёт жараёнида вужудга келади ва индивидуал онгининг ривожланиб бориши билан инсонда алоҳида фазилат шаклида шакилланади. Жамиятда бурч ҳиси турлича даражада бўлган кишиларнинг мавжудлиги фикримизни ифодалайди.

Этика тарихида бурч муаммосини кенгроқ ва ҳар томонлама таҳлил қилган немис файласуфи И.Кантдир. У бурчни кишилар ҳаётидаги аҳамияти таҳлил қилар экан, инсонни хатти- ҳаракатга ундовчи катта куч эканлигини кўра олди. “Бурчдеб ёзган эди Кантсен юксак ва буюк сўзсан, сенда кишиларга манзур бўладиган бирор ёқимли нарса йўқ, сен тобеликни талаб қиласан, сенинг қаршингда барча иштиёқлар лол қолади...” Бошқача айтганда, Кант талқинича бурч бу шахс ўз истак ва манфаатларига қарама- қарши “соф” бурч амрига кўр- кўрона бўйсунидир, яъни “бурч- бурч учун” деган шиор келиб чиқади.

Этиканинг бурч категорияси орқали шахс билан жамият ўртасидаги ахлоқий муносабат ўз ифодасини топди. Бу муносабатларнинг объектив томони жамият томонидан шахс, коллективга қўйиладиган ахлоқий талаблар системасидир. Ҳар бир шахс ўз мажбуриятларини қандай бажариш унинг субъектив томонини англатади. Демак, ахлоқий бурчнинг мазмуни жамият талаблари билан боғлиқдир. Шунинг учун бурч ҳеч қачон объектив бўлиши мумкин эмас.

Ахлоқий бурчни англашда шахсий ва ижтимоий манфаатлар ўз ифодасини топади. Ижтимоий бурчни бажариш ҳар бир кишининг эҳтиёжига, одатига айланса, ижтимоий мажбуриятларни онгли равишда амалга оширилади, шахснинг қобилиятлари ва истакларини янада юксалтиради. Шундай қилиб, ахлоқий бурч- бу ижтимоий мажбурият, инсон уни онгли ва ички эътиқодга кўра бажаради. Шундагина шахс хаттаҳаракати ахлоқий ҳисобланади.

